

ALISHER NAVOIY IJODIDA MA'RIFAT TALQINI VA ORIF OBRAZI TASVIRI

Латипов Хаёт Рамазонович

Kalit so'zlar: ishq, zikr, fayz, muhabbat, ma'rifat, suhbat, shariat, tariqat, haqiqat, ma'shuq, oshiq, orif.

Ushbu maqola muhabbat va ma'rifat ahli ko'nglida kashf etiladigan nozik ma'nolarning badiiyatdagi ifodalari va ramziy-ishoraviy obrazlar tavsifi hamda tasavvufiy istilohlar (terminlar) bag'ridagi mohiyatlar talqiniga bag'ishlangan.

Маърифат ориф кўлга киритган илм бўлиб, қалб завқи ва кўнгил мушоҳадасидан тузилгани учун ботиний илм ҳисобланган. Маърифатда қалбнинг тозалиги, маънавий куч-қуввати, покизалиги, кенглиги ва имтиёзларига алоҳида аҳамият берилгани боис Алишер Навоий орифлик мавзуи талқинлари билан жиддий машғул бўлган. Зеро, орифлик илми, ҳикмати, ботинбинлиги, донишманд ва тўғрилиги ҳамма замонлар учун ибрат ва намунадир. Орифнинг қаноати, сукути, сир сақлаши, мувоқабасисиз комилликни хаёлга келтириш душвордир.

Тасаввуфнинг амалий босқичи саналган тариқатдан асосий мақсад ҳам маърифатдир. Маънавий ёки ички тажриба билан эришилиши боис маърифатга “важдий илм”, “завқий илм”, – дея изоҳ берилади.

Орифнинг қалби Аршдан ҳам кенг бўлмоғи муҳаққахдир. Чунки, “Арш ва курсининг ичидагилар, олами жисмонийдур. Қалби солимнинг руҳи инсонийдур-ки, у амри Раббоний эрур”¹. Шунга кўра Ориф бирор бир қавм ёхуд миллатнинг эмас, жаҳоннинг султони, дея тан олинган. У кўнглини поклик ила камолга етказар экан, маънавий оламида тубдан ўзгариш – эврилиш юзага келади. Ва бу ўз навбатида борлиққа – табиат дунёсига ҳам таъсир ўтказиш эҳтимолидан холи эмас. Буюк маърифатпарвар шоир Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий тилларидан келтирилган Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг оламга келиши ва у кишининг илм-у ҳидоятлари шарофатидан Қасри Ҳиндувоннинг Қасри Орифонга айланиб, оламга машҳур бўлиши тўғрисидаги башоратлари ушбу фикрнинг бир далилидир: “*Бу туфрогдин бир эр иси келадур. Бўлғайки, Қасир Ҳиндувон Қасри Орифон бўлғай...*”².

Алишер Навоий орифликнинг ахлоқий-маънавий сифат ва фазилатларига алоҳида диққат қилгани учун бир ғазалида:

*Фақр кўйида мусаллам тут, не қилсанг истимоъ,
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс³, –*

¹ Иброҳим Ҳаққул. Сўздаги ўзлик. – Тошкент: Баёз, 2013. – Б. 28

² Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 256

³ Алишер Навоий. МАТ. 3-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 92

дейди. Негаки, ҳам ирфон соҳиби бўлиб, ҳам ўзгалар билан мунозара, ҳожатсиз муноқашага киришиш орифлик маслагига тамоман зиддир. Ирфон аҳли Ҳақ ишқи, Ҳақ хаёли билан яшар экан, уларнинг хаёлидан бошқа бир нима ўрин ололмайди. Чунки ҳар қандай нарса илоҳий бирликка шикоят етказди:

*Саҳфаи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,
Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп⁴.*

Чин орифлар – Аллоҳни таниган, билган ва маърифат завқи билан яшагани учун илм ва маърифатини кўз-кўз қилишдан тийилган, сукутга мойил, мушоҳададан тўхтамайдиган зотлар қиёфасида шуҳрат қозонишган.

Навоийнинг ёзиши бўйича, “Орифлар кимлардур?”, – деб сўралганда, Шайх Музаффар Қирмоншоҳий Қирмисий “Ориф – қалбини мавлосига, жасадини халқига бағишлаган кишидир”⁵, – деб жавоб берган экан.

“Насойим ул-муҳаббат” асарида орифнинг ўзгалар сийратидан огоҳ бўлиш иқтидори ва ҳеч бир бандага ҳасад қилмаслиги ҳамда сир сақлаш лаёқатига доир шайхлар тилидан айтилган: “Ориф улдурки, сенинг сиррингдин сўз айтқай ва сен хомуш бўлғайсен”⁶, “Орифқа сиррида бир кўзгу берибдурки, ҳар қачон ул кўзгуга боқса, ани кўргай”⁷ каби фикр-мулоҳазалар ҳам диққатга моликдир.

Алишер Навоий барча жанрдаги асарларида ориф образи ва маърифат моҳиятига эътибор қаратади. Жумладан, “Ориф кўнглин дарёга нисбат берурки, анга ҳар не тушса сингирур балки итирур” сарлавҳали қитъасида орифнинг энг характерли хусусиятини тавсифлайди:

*Эрур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин ани ёшурмоқ.
Қуёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндур онинг сувин тошурмоқ⁸.*

Нафсини таниган орифлар ўзликни енгиш йўллариини ҳам излашган. Бунинг учун астойдил риёзат чекиб, Тавҳид мақомига кўтарилишган. Орифлар аҳли маъни тоифасига мансуб бўлгани боис зоҳирпарастларга қарши бўлишган. Ва бу билан орифликнинг мазмун-моҳиятини янада очиб беришган:

*Восил ўлди нафасинг руҳини англаб ориф,
Шарҳ тузди чу анинг зоҳирини билди фақиҳ⁹.*

Маърифат, яъни Ҳақ ва ҳақиқатни танимоқ Навоий ижодининг бош мақсади бўлган. Зеро, маърифат орқали инсон ўзининг шарифлигини, дунёга келиш мақсадини тушунади. Шу боис бу мавзуга Навоий ҳар бир асарида жанр талаб ва имкониятларидан келиб чиқиб қайта-қайта мурожаат этади. Гоҳ Қуръоний оятлар, гоҳ ҳадиси шариф, баъзан валийлар ҳикмати, баъзан эса ўзининг орифона

⁴ Ўша манба. – Б. 76

⁵ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 154

⁶ Ўша манба. – Б. 154

⁷ Ўша манба. – Б. 69

⁸ Алишер Навоий. МАТ. 4-том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 502

⁹ Алишер Навоий. МАТ. 2-том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 479

хулосалари билан маърифатнинг моҳиятидан баҳс этади. Бани башарни огоҳликка чорлайди. Жумладан, “Назм ул-жавоҳир”да “Шамматун минал-маърифати хайрун мин касирил-амали”, яъни “Кўп тоатдан оз маърифат яхши” ҳикматига асосланиб, ирфоннинг куч-кудратига урғу беради:

*Ирфон аҳлига эл ниёзи яхши,
Таъзим ила лутфи дилнавози яхши,
Гар маърифат ўлса чорасози яхши,
Тоат кўпидин, маърифат ози яхши*¹⁰.

“Ҳайрат ул-аброр” достонида эса дунёнинг яратилиш сирри, оламлар ичра одамнинг ўрни хусусида тўхталар экан, шундай дейди:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.
Турфа каломингга доғи комил ул,
Сирри ниҳонингга доғи ҳомил ул.
Кўнглига қилдинг чу яқин ганжи қисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм...
Маърифатинг ким қила олмай сифат,
Қилдинг ани орифи ул маърифат¹¹.

Дунёни яратишдан ғараз инсон эди. Чунки Робб ул-оламин Аллоҳнинг маърифатини одамзодгина қалбига жо қила олди. Мана шу маърифат асл мақсад эканлигини Навоий турли шаклларда баён этди.

Навоий девонларида ориф лирик қаҳрамон сифатида гавдаланади. Тазкира, умуман, насрий асарларида орифлар реал тарихий шахслардир. шоирнинг уларга берган таърифларида ҳам орифлик рутбаси ва фазилатига ҳамиша аҳамият берилади. Абу Саид Харроз (қ.с.т.) ҳақида маълумот берар экан: “Агар Аллоҳу таоло Абу Саид Харроз эришган ҳақиқатни биздан талаб қилганда, албатта, ҳалок бўлардик. Бу сўзи Жунайднинг далил бўла олурки, Абу Саид Харроз андин улуғроқ ва анинг пири бўлғай ва анинг устоди. Шайх ул-ислом дебдурки, буким Боязидни Саййид ул-орифин дебдурлар, Саййид ул-орифин Ҳақ субҳонаҳу таолодур ва одамийлардин Муҳаммад арабийдур (с.а.в.) ва бу тойифадин Абу Саид Харроздур. Ва ҳам Шайх ул-ислом дебдурки, машойих аросида андин улуғроқ ҳеч кишини танимасмен”¹², – дейди. Демак, Ҳақиқий ориф Оламларнинг Робби Аллоҳ таолодир. Башарият аҳлидан эса комил инсон, комил ориф, шубҳасиз, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саналади. Албатта, Расулulloҳнинг ҳаёт йўлини ибрат сифатида қабул қилган, шариати муҳаммадияни ҳаётий мезонига айлантирган чин ворис уламолар орифлар ҳисобланади. Бу масалада Навоийнинг қатор эътирофлари фикримизни қувватлайди. Турк оламида бир неча валийларнинг муршиди комили саналган Хожа Юсуф Ҳамадоний хусусида: “Имом, олим, орифи раббоний, гўзал

¹⁰ Алишер Навоий. МАТ. 2-том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 194

¹¹ Алишер Навоий. МАТ. 7-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 21

¹² Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 53

холлари, кўп эҳсонлари, юксак каромот ва мақомотлари бор эди”¹³, – дейди. Кўриниб турибдики, яссавия, хожагон –нақшбандия каби машҳур тариқатларни дунёга келтирган Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний каби шайхларни тарбият этган Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари илоҳий илмларни эгаллаган муршид – орифи Раббоний эди. Навоий устоди Саййид Ҳасан Ардашерни: “Солики фоний ва гавҳари коний, орифи маоний”¹⁴, –деса:

Ари урфонида бир наст мақом,

Маст жоми азали орифи Жом.

Ул сафо аҳли пок фаржоми,

Пок фар жому пок фар Жомий,

Ул фано сори дастгир манга,

*Муриди устоду пир манга,*¹⁵ –

дея, Абдурахмон Жомийни юксак эҳтиром билан таърифлаб, ўзининг пири комили – муршиди орифи эканлигини эътироф этади.

Ёки “...Манқулдурким, кутб ус-соликин ва султон ул орифин, ҳақиқат аҳли имоми, Шайх Боязид Бистомий...”¹⁶, –дея, тайфурия тариқати асосчисини султон ул-орифин дейди. Бу каби хусусиятлар билан кўпгина валийлар тилга олинади. Шайх Абу Абдуллох Муҳаммад б. Иброҳим Қураший Ҳошимий (қ. с.) ҳақида: “Орифлар имоми, солиқлар раҳнамози, фахрли аҳвол ва зоҳир каромотлар соҳиби”¹⁷, дейди. Албатта, орифлик каромат кўрсатиш эмас. Зеро, “Насойим”да бу мавзуда ҳам бир неча бор баҳс юритади. Жумладан, “Шайх ул-ислом дедиким, каромот сотқучи то ани қабул қилғайлар мағрурдур ва каромот сотқун олғучи агарчи ит уни қилмас, аммо иттур, яъни ҳақиқат каромот эмас, андин ўзга нимадур ва ул зуҳҳод ва абдолға хуш келур. Суфийи ориф каромотдин яхшироқдур ва ул каромотнинг каромотидур”¹⁸, – дея орифлар маърифатининг кароматдан устунлигини кўрсатади. Адабиётда ориф ирфони, ёлғиз дийдорталаблиги билан зоҳид образи билан қаршилантрилади. Зеро, орифнинг қалби фақат Яратганнинг ишқи билан лиммо-лим бўлади. У мосивога этак силкиш баробарида жаннат орзуси, жаҳаннам қуркувидан ҳам қалбини фориғ этади. Унда Аллоҳнинг ризолигидан ўзга ризолик қолмайди. Маълум маънода ориф ризо аҳлидир. Шу ўринда “Насойим”даги: “Фузайл Илёз қ.с.нинг бир ўғли бор эрди. Дебдурларки, андин мартабада улўғроқ эрди, оти Али. Бир кун Масжиди Ҳарамда Замзам яқинида бир хонанда ўқудиким, “гуноҳкорларни кўрасан (Зумар: 60). Ул эшитти ва заъкаи урди ва жон берди. Шайх ул-ислом дебдурким, дўстдин нишон ва орифдин жон”¹⁹, – маълумотини эслаш ўринлидир. Бу ривоят орифларнинг маънавий олами, уларнинг фазилатлари тўғрисидаги фикрларимизга ойдинлик киритади. Маърифат Аллоҳнинг лутфи марҳаматидир. Бирок

¹³ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 248

¹⁴ Алишер Навоий. МАТ. 15-том. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 110

¹⁵ Алишер Навоий. МАТ. 15-том. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 68

¹⁶ Алишер Навоий. МАТ. 14-том. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 121

¹⁷ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 384

¹⁸ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 145-146

¹⁹ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 32

бу ҳиммат риёзат чеккан бандаларигагина насиб этади. Шунинг учун бу йўлда эркак ва аёл тенгдир. Тазкираларда ҳам “Эркаклар мартабасига етган ориф аёллар зикри” алоҳида берилади. Масалан, Фотимаи Бардаъия (р. т.) ҳақида: “Ардабилда бўлур эрди. “Айтадиларки, шатҳиёт сўзловчи орифлардан эди”²⁰, - дейилади. Маърифат моҳияти, ориф шахсияти ҳақида кўп фикр-қарашлар айтилган. Бироқ англашимиз лозимки, ирфонга эришиб, ориф мартабасига кўтарилишнинг ўзига хос талаблари бор. Машойхларнинг баъзи мулоҳазаларига эътибор қаратайлик: “Ва сойир машойихи кибордин ҳам кўпи ҳалол лукма касбиға муздурлуқ қилибдурлар, ўтин тошибдурлар ва ҳалол лукма бу ишда куллийдурки, ондин файзу маърифат зоянда бўлур. Ва бир шубҳалик лукма онча тийралик келтурурки, кўп вақт онинг ислоҳиға машғул бўлуб, маълум эмаски, дафъи не навъ сурат боғлар”²¹. Демак, ҳалол лукма ейиш, ичиш, кийинишда ҳаромни аралаштирмаслик, топганига қаноат қилиб, тўғри яшаш ва ҳар қандай бой бериб қўйилган имкониятлар ёхуд турли етишмовчиликларни деб кўнгулни асло хуфтон қилмаслик орифликнинг бош шартларидандир. Навоий ҳам ғазалларидан бирида орифларга хос айни фазилятлар хусусида баҳс этар экан, жумладан, шундай дейди:

*Бу дамни ориф эсанг яхиши тутки, жоҳил иши,
Етишмагангаву ўтганга қийлу қол ўлгай*²².

Адабиёт кўнгил иши. Инсоннинг ҳис-туйғу, эҳтирос ва кечинмалари, аввало, адабиётда ўз аксини топади. Хўш, кўнгил ўзи нима? Нима учун маърифатнинг манбаи кўнгил бўлган. “Маҳбуб ул-қулуб”да ўқиймиз: “Кўнгул маърифат боғидин ва ваҳдат раёҳинининг эсанг насимидур ва руҳоният гулистонидин ошнолиқ гулларининг шамидур. Ҳусн малоҳатин идрок қилғувчи ҳам кўнгул ва ишқ ўти ёлиниға ёқилғувчи ҳам кўнгул”²³. Бундай имконият ақлда йўқ. Маърифат кўнгилни нурлантирганидек, кўнгил ҳам маърифатга жонлилик бағишлаган. Ҳақим Санойи айтмоқчи: “Маърифат дунёсининг сайёҳи бу – дил”.

Хулоса қилиш мумкинки, Навоий таъриф, тавсиф ва бадиий ифодаларида орифлар тўғри йўлни топган, Ҳақни таниган завқ, ҳол ва ирфон соҳибларидир. Улар қалб кўзи очик, касратдан ваҳдатга юксалган шахслар. Аммо аҳли ирфон бундай иқболга бирданига ва осонлик билан эришмаган. Чунончи, шоир айтади:

*Маърифат нахлидин ул ориф ҳамоно топти бар,
Ким тафаккур бирла фаҳми моарафнок айлади*²⁴.

²⁰ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 486

²¹ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 11

²² Алишер Навоий. МАТ. 3-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 492

²³ Алишер Навоий. МАТ. 14-том. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 94

²⁴ Алишер Навоий. МАТ. 2-том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 597

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. А.Навоий. МАТ 20 томлик, 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001.
2. Алишер Навоий. ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд. – Тошкент: Гафур Ғулом, 2011.
3. Abdul Kerim Kuseyri. Kuseyri risolasi. Hozirlayan: Suleyman Uludag. – Aralik: Dergah Yayinlari. 1991.
4. Ibn Arabi. Marifet kitabi. Tercume: Ercan Alkan, Osmon Sacid Ari. Islam klasirleri dizisi. – Istanbul. 2008.
5. Иброҳим Ҳаққул. Сўздаги ўзлик. – Тошкент: Баёз, 2013.
6. Н.Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: MOVAROUNNAHR – OZBEKISTON. 2009.
7. Latipov H. R. ALISHER NAVOI ON LOVE, ENLIGHTENMENT AND AWARENESS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 551-556.
8. Ramazonovich L. H. Souls striving to god or from the world of wise people //Journal of Social Sciences and Humanities Research. – 2018. – Т. 6. – №. 04. – С. 14-18.
9. Ramazonovich L. H. Symbolism, Allusion and Essence in the Work of Turkigoi Songs //International Journal of Formal Education. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 20-28.
10. Baxtiyorovna, N. N. ., & Latipov, H. R. . (2024). Expression of Common Ideas and Images in the Creations of Navoy and Pushkin. *International Journal of Formal Education*, 3(4), 46–53. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2479>
11. Ramazonovich, L. H. . (2024). Symbolism, Allusion and Essence in the Work of Turkigoi Songs. *International Journal of Formal Education*, 3(4), 20–28. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2474>
12. Toraeva U. R. Definition and research methods of Uzbek modern literature //Current research journal of philological sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 104-107.
13. Turaeva U. R. Determination of characteristics of uzbek jadid schools and literature //наука и инновации в ххi веке: актуальные вопросы, открытия и достижения. – 2021. – С. 154-156.
14. Rakhmatovna T. U. UDC: 82.09. 575.1 Literary critic begali kasimov is a researcher of modern literature //scientific reports of bukhara state university. – С. 114.
15. Rakhmatovna T. U. Research of heritage of representatives of uzbek literature of the period of national renaissance //principal issues of scientific research and modern education. – 2022. – Т. 1. – №. 7.
16. Torayeva U. The Tatar press and Turkestan Jadidism In The researches of Begali Kasimov //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №.
17. Torayeva U. O'zbek jadid adabiyoti va jahon ijtimoiy-adabiy harakatchiligi masalasining tadqiq etilishi //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 206-211.
18. Рахматовна Т. У. Study of Begali Kasimov's Activity in Literary Studies and Scientific Biography of the Scientist //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 869-875

19. To'rayeva U. Self-education in Navoi's work //conference on the role and importance of science in the modern world. – 2024. – т. 1. – №. 4. – с. 213-221
20. To'rayeva U. Self-education in Navoi's work //conference on the role and importance of science in the modern world. – 2024. – т. 1. – №. 4. – с. 213-221
21. Садикова D. Muslihabegim Miskin Appeals to Historical Person-Hazrat Agoyi Buzurg //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
22. Садикова Д. Muslihabegim Miskin–XIX asr Buxoro adabiy muhitining iste'dodli zullisonayn shoirasi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
23. Eshonqulov H. Alisher Navoiy oshiqona g'azallarining badiiy qurilishiga oid o'ziga xosliklar //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
24. Садикова Д. Muslihabegim Miskin–XIX asr Buxoro adabiy muhitining iste'dodli zullisonayn shoirasi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
25. Tursunovna S. D., Pirimovich E. H. MUSLIHABEGIM MISKIN-ALISHER NAVOI'S FOLLOWER.
26. Eshonqulov H., Sodiqova D. Muslihabegim Miskin–XIX asr Buxoro adabiy muhitining iste'dodli zullisonayn shoirasi //Oltin bitiglar–Golden Scripts. – 2021. – Т. 3. – №. 3.
27. Садикова D. Muslihabegim Miskin Appeals to Historical Person-Hazrat Agoyi Buzurg //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №.
28. Tursunovna S. D. Muslihabegim Miskin Appeals to Historical Person-Hazrat Agoyi Buzurg //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 14.
29. Sodikova D. T. GLIMPSES TO FEMININE LITERATURE DURING THE DYNASTY OF BUKHARA EMIRATE: ALL ABOUT A POETESS MUSLIKHABEGIM MISKIN AND HER LITERARY HERITAGE //АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ТЮРКОЛОГИИ: РОССИЯ И ТЮРКО-МУСУЛЬМАНСКИЙ МИР. – 2021. – С. 174-176.
30. Sodikova T. D. Depiction of Romantic Love in Muslihabegim Miskin's Poetry //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 8.
31. Содикова Д. Т. ПРОБЛЕМЫ ЖЕНСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ ВО ВРЕМЕНА ДИНАСТИИ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА: ВСЕ О ПОЭТЕССЕ МУСЛИХАБЕГИМ МИСКИН И ЕЕ ЛИТЕРАТУРНОМ НАСЛЕДИИ //ББК 81.632 А43. – С. 174.
32. Eshankulov H., Sadikova D. Muslihabegim Miskin is a talented bilingual poetess during the literary period of the XIXth century in Bukhara //GOLDEN SCRIPTS OLTIN BITIGLAR. – С. 41.
33. Садикова D. MUSLIHABEGIM MISKIN-ALISHER NAVOI'S FOLLOWER //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
34. Sodikova D. MUSLIHABEGIM MISKIN IS A ZULLISONAYN (WHO WROTE HER WORKS IN TWO LANGUAGES) POETESS //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 81-86.
35. Садикова Д. Muslihabegim Miskin–XIX asr Buxoro adabiy muhitining iste'dodli

zullisonayn shoirasi //Центр научных публикаций (buxdu.uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.

36. Садикова D. The Expression of Muslikha begim Miskin's Autobiography in Her Own Literary Collections //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2023. – Т. 38. – №. 38.

37. Sodikova D. MUSLIHABEGIM MISKIN IS A ZULLISONAYN (WHO WROTE HER WORKS IN TWO LANGUAGES) POETESS //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 81-86.

38. Садикова D. The Expression of Muslikha begim Miskin's Autobiography in Her Own Literary Collections //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2023. – Т. 38. – №. 38.

39. Eshankulov H., Sadikova D. Muslihabegim Miskin is a talented bilingual poetes during the literary period of the XIXth century in Bukhara //GOLDEN SCRIPTS OLTIN BITIGLAR. – С. 41.

40. Tursunovna S. D. BUXOROLIK ZULLISONAYN SHOIRA //THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY. – 2024. – Т. 2. – №. 20. – С. 170-176.

41. Sodiqova D. Muslihabegim ijodida hadislar murojaat //CONFERENCE ON THE ROLE AND IMPORTANCE OF SCIENCE IN THE MODERN WORLD. – 2024. – Т. 1. – №. 4. – С. 240-249.

42. Sayliyeva Z. EY SABO, SHARH AYLA AVVAL DILSITONIMDIN XABAR //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 200-205.

43. Sayliyeva Z. R., Murodova M. R. Q. LITERACY OF PRAISE IN THE VERSES OF ALISHER NAVOI //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 372-380.

44. Rakhmiddinovna S. Z., Mahliyo B. FALAK NILUFARLARIDIN CHASHMAYI MEHR GAR O'LDI PAYDO //E Conference Zone. – 2022. – С. 93-96.

45. Rakhmiddinovna S. Z. The Study of the Problems of Sufizm and Art in Navoi Studies //Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. – 2023. – Т. 4. – №. 5. – С. 258-262.

46. Rahmiddinovna S. Z. et al. OMINA SHENLIKO 'G 'LINING" VIJDON AZOBI" ASARIGA TAQRIZ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2023. – Т. 33. – №. 2. – С. 90-93.

47. Rakhmiddinovna S. Z. EY, SAFHAYI RUXSORING AZAL XATIDIN INSHO //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 112.

48. Raxmiddinovna S. Z., Bahromjonovna H. Z. USMON AZIM–ROST TUYG'ULAR KUYCHISI //TADQIQOTLAR. UZ. – 2023. – Т. 26. – №. 1. – С. 3-6.

49. Rakhmiddinovna S. Z., Qizi M. M. R. Prophet of the peace and blessings of allah be upon him (o prophet of the prophet hood...) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 5. – С. 31-36.

50. Rakhmiddinovna S. Z., Manzura K. MUHAMMAD RAHIMKHAN FERUZ AND

HIS DESCENDANTS //Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 142-146.

51. Rakhmiddinova S. Z. About the Artistic Skills of Alisher Navoi //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 838-846.

52. Dilbar K., Rakhmiddinova S. Z. PROMOTER OF MUSLIM CLASSICAL LITERATURE" FORTY HADITH" //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2023. – Т. 2. – №. 9.

53. Rakhmiddinova S. Z. ANBAR OTIN-DEMOKRATIK SHOIRA ("QAROLAR FALSAFASI" RISOLASI MISOLIDA) //SCIENCE AND INNOVATION IDEAS IN MODERN EDUCATION. – 2023. – Т. 1. – №. 7.

54. Kholikova N., Rakhmiddinova S. Z. THE GLOSS OF COLORS IN THE POETRY OF ABDULLA ORIPOV //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2023. – Т. 2. – №. 9.

55. Rakhmiddinova S. Z. CHU JILVA AYLADI UL HUSN ISTABON OSHIQ //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 132.

56. Rakhmiddinova S. Z. About the Artistic Skills of Alisher Navoi //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 838-846.

57. Rakhmiddinova S. Z., Qizi M. M. R. Prophet of the peace and blessings of allah be upon him (o prophet of the prophet hood...) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 5. – С. 31-36.

58. Rakhmiddinova S. Z. The Study of the Problems of Sufizm and Art in Navoi Studies //Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. – 2023. – Т. 4. – №. 5. – С. 258-262.

59. Rakhmiddinova S. Z. EY, SAFHAYI RUXSORING AZAL XATIDIN INSHO //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 112.

60. Sayliyeva Z. EY SABO, SHARH AYLA AVVAL DILSITONIMDIN XABAR //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 200-205.

61. Sayliyeva Z. R., Murodova M. R. Q. LITERACY OF PRAISE IN THE VERSES OF ALISHER NAVOI //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 372-380.

62. Rakhmiddinova S. Z., Bahromjonova H. Z. USMON AZIM–ROST TUYG‘ULAR KUYCHISI //TADQIQOTLAR. UZ. – 2023. – Т. 26. – №. 1. – С. 3-6.

63. Rakhmiddinova S. Z. et al. OMINA SHENLIKO ‘G ‘LINING" VIJDON AZOBI" ASARIGA TAQRIZ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2023. – Т. 33. – №. 2. – С. 90-93.

64. Rakhmiddinova S. Z. CHU JILVA AYLADI UL HUSN ISTABON OSHIQ //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 132.

65. Rakhmiddinova S. Z. ANBAR OTIN-DEMOKRATIK SHOIRA ("QAROLAR FALSAFASI" RISOLASI MISOLIDA) //SCIENCE AND INNOVATION IDEAS IN MODERN EDUCATION. – 2023. – Т. 1. – №. 7.

66. Сайлиева З. Р. ОСОБЕННОСТИ ТВОРЧЕСТВА АЛИШЕРА НАВОИ

//Сохранение и развитие языков и культур коренных народов Сибири. – 2022. – С. 251-254.

67. Бекова Н. Ж., Сайлиева З. Р. "Девони Фони": издания и исследования //Филология и лингвистика в современном обществе. – 2014. – С. 20-22.

68. Бекова Н. Ж., Жалилова Л. Ж., Сайлиева З. Р. On a separate literary sources of the poetry collection " Sittai Zaruriya" by Alisher Navoi //Современная филология. – 2014. – С. 45-47.

69. Ahmadovich H. S., Muminovna M. M. About Nisoriy Bobur And Humoyun //NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal| NVEO. – 2021. – С. 4753-4767.

70. Muhammadova M. HUMOYUN MIRZO NISORIY TALQINIDA: Mahbuba Muhammadova Termiz davlat universitetining mustaqil izlanuvchisi //Научно-практическая конференция. – 2021.

71. Mahbuba, Muhammadova. "Nisoriyning" Muzakkiri ahbob" tazkirasida ayrim janr va badiiy san'atlar xususiyati." *Karabük-2020*.

72. Mo'minovna M. M. SECTION: HISTORY SCIENCE //POLISH SCIENCE JOURNAL. – 2019. – С. 29.

73. Mo'minovna M. M. NISORIY DO 'ST MUHAMMAD SULTON VA UNING IJODKOR SIFATIDAGI QIRRALARI HAQIDA //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 3. – №. 29. – С. 348-350.

74. Makhbuba M. Muzakkiri Ahbob" Fable By Nisari And Its Role In Literature Studies //European Journal of Business and Social Sciences. – 2019. – Т. 7. – №. 10. – С. 111-116.

75. Sanobar A., Mahbuba M. O'LMAS UMARBEKOVNING"ODAM BO'LISH QIYIN"ASARINING BADIY TAHLILI //ZAMONAVIY TA'LIMDA FAN VA INNOVATSION TADQIQOTLAR JURNALI. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 74-80.

76. Mo'minovna M. M., VA N. D. O. S. T. M. S., HAQIDA U. I. S. Q. INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM.–2023 //Т. – Т. 3. – С. 348-350.

77. Muxammadova M. The Image of Navoi in the" Muzakkiri Ahbob" Tazgire //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 137-143.

78. Muxammadova M. HASANXOJA NISORIY IJODIDA NAVOIYGA MUNOSABAT //THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY. – 2024. – Т. 2. – №. 20. – С. 178-184

79. Латипов , Х. (2024). А.ЯССАВИЙ ХИКМАТЛАРИДА ТАСАВБУФ ТАЛҚИНИ. CONFERENCE ON THE ROLE AND IMPORTANCE OF SCIENCE IN THE MODERN WORLD, 1(4), 192-202. Retrieved from <https://universalconference.us/universalconference/index.php/crismw/article/view/1402>

80. Рамазонович Л. Х. SHARQ ADABIYOTIDA IRFON IFODASI //THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY. – 2024. – Т. 2. – №. 20. – С. 242-250.

81. Istamovna, A. N. (2021, December). Leksik birliklarning milliy o'zlik ruhini ifodalashdagi roli (Erkin Vohidov dostonlari asosida). In *Conferences*.
82. Yarashovna, S. G., Istamovna, A. N., & Zayniddinovna, B. G. (2023). Methods of Using Metaphorical, Pleonastic and Paremic Units in Uzbek Linguistics. *Res Militaris*, 13(2), 5560-5572.
83. Istamovna, A. N. (2022). The power of creative expression-On the example of Erkin Vakhidovs epics. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, 8, 104-112.
84. Istamovna, A. N. (2023). Eternal Life of Heroes of Uzbek and English Epics.
85. Adizova, N. (2024). Methods of Using Metaphorical, Pleonastic and Paremic Units in Uzbek Linguistics. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ* (buxdu.uz), 45(45).
86. Adizova, N. (2024). BADIY MATNDA SO'ZLAR JILOSI. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ* (buxdu.uz), 45(45).
87. Istamovna, A. N. (2023). Eternal Life of Heroes of Uzbek and English Epics.
88. Istamovna, A. N. (2023). METHODOLOGICAL POSSIBILITY OF INTERTEXTUALITY IN ARTISTIC TEXT. INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 3(31), 182-191.
89. Istamovna, A. N. (2022). OCCASIONAL DERIVATIVES IN CREATIVE EPICS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(5), 146-152.
90. DOSTONLARINING, N. I. A. E. V. (2022). FONETIK-FONOLOGIK XUSUSIYATLARI. *Academic research in educational sciences*, 1.